



# ТОШКЕНТ



# ОҚШОМ

ШАҲАР  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Тошкентда Президент Ислам Каримовнинг жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш дастурларини амалга ошириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида жорий йилнинг 2 июнидаги Фармони, шунингдек яқинда давлатимиз раҳбарининг «Фидокор» газетаси муҳбирига берган интервьюсидан келиб чиқувчи вазифалар муҳофазатига бағишланган семинар бўлди.

◆ **Эртага** «Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови» шiori остида Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган умумреспублика экологик шанбалиги бўлиб ўтади. Шанбалик кун шaxримиз аҳолиси ўз иш жойларида, худудни ободонлаштириш, кўчаларда, ўзларига бириктирилган майдонларда, маҳалла ва бошқа участкаларда оммавий суратда иштирок этади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судида «Халқаро шартномалардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этиш» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Фан ва техника давлат қўмитасида Европа Иттифоқи ИНТАС халқаро ташкилотнинг 2000-2001 йиллардаги илмий-техник ҳамкорлик бўйича янги таловлари тақдими бўлиб ўтди.

◆ «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида Экология ва саломатлик кунларини ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

◆ Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Қашқадарь вилоятининг Нишон туманидаги агро-иқтисодий коллежиде Европа Иттифонининг «Тасис-Тепал-2» лойиҳаси бўйича фермерларнинг минтақавий ўқув семинари ўтказилди.

◆ Самарқанд давлат чет тиллар институти қошида халқаро ўқувчи оромгоҳи ташкил этилди.

◆ Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида республика ички ишлар идоралари ижодий жамоалари ўртасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» V республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

◆ Наманган шаҳрида бўлиб ўтган «Универсиада-2000» спорт мусобақаларида Фарғона вилоятдан юздан ортқ талаба спортчилар, мураббийлар ва ҳакамлар иштирок этдилар.

### ЖАҲОНДА

◆ Миср Араб Республикасида Миср — Ўзбекистон дўстлик жамияти тузилди. Қоҳира университетиде ушбу жамиятнинг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур университет ректори Нажиб ал-Хилолий Жавҳар жамиятнинг раиси этиб сайланди. Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги аҳоли ва истикболи ҳақида фикр алмашишти.

◆ **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Германияга икки кунлик расмий ташрифи бошланди.

◆ **Кеча** Москвада Ҳамдўстликдаги йирик шаҳарлар ва пойтахтлар уюшмасининг туртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Канаданинг Калгари шаҳрида ўн олтинчи Жаҳон нефть конгресси бўлиб ўтаётди. Унда дунёнинг 95 мамлакатидан ўн мингга яқин мутахассис иштирок этмоқда.

◆ **Кеча** Россия Хавфсизлик кенгаши раиси Сергей Иванов Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ва мамлакатнинг бошқа расмий кишилари билан учрашди.

◆ Саудия Арабистони билан Яман ўртасида чегаравий можароларга чек қўювчи битим имзоланди.

◆ Муфти Аҳмад Қодиров сўнги йил мубайнида Чеченистон раҳбарлигига Москва томонидан тайинланган биринчи чечендир. Маълумки ўтган йилнинг охиридан буён марказнинг Чеченистондаги махсус вакили Николай Кошман эди. Бирлашган қўшинлар гуруҳи раҳбари Геннадий Трошевнинг таъкидлашича айнан Қодиров бугун Чеченистонга зарур ва айнан у Чеченистоннинг келажакдир.

◆ Мисрдаги Александрия порти яқинидаги кўп қаватли уйлardan бири қулаб тушди. Расмий маълумотларга қараганда, ушбу қулашга бино устидан ўзининг омонлиги билан қўшимча икки қават қуриб олинганлиги сабаб бўлди.

◆ Австралиянинг Викториа штатида жуда катта метеорит тушди. Унинг Ерга келиб урилган пайтдаги кучли товушни штатнинг даярли барча аҳолиси эшитди. Қурганларнинг айтишича метеорит қолдирган оловли из худди куёш каби ёруғлик тарқатган. Гарчи метеоритнинг ўзи осмонда бор-йўли уч секундигина кўринган бўлсада, оловли из ўн дақиқкага яқин «ўт пурақаб» турди.

◆ Испаниянинг шимолий қисмига қириб борган катта циклон қутилмаган совуқ, кучли ёмғир ва қаттиқ шамолга сабаб бўлди. Шу пайтгача 30 даражагача иссиқ бўлиб турган кўп туманларга қор ёган. Унда офатдан айниқса Каталония жуда кўп зарар кўрган. Бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 130 километри ташкил қилди.

◆ Узоқ Шарқда олти ярим мектар ер ёнин ичиде қолди. 1200 гектарлик ўрмондан кўтарилган олов кучли шамол туфайли атрофга ёйилмоқда.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОЖИКИСТОНГА ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 июнь кун Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш ҳамда Тожикистонга расмий ташрифини амалга ошириш мақсадида Душанбеге жўнаб кетди.

Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг бу гагли учрашувида минтақамиздаги вазият, иқтисодий интеграция жараёнларини янада кучайтириш, хавфсизлик каби масалаларни муҳофазат қилиш мўлжалланмоқда.

**ДУШАНБЕ, 14 июнь.** Президент Ислам Каримов Тожикистонга етиб келди. Душанбе аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов кўриб олди.

Тожикистон Республикаси ҳукуматининг қарорғида Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда минтақа мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграция жараёнини янада фаоллаштириш, ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, шунингдек, минтақа учун долзарб бўлган бошқа масалалар муҳофазат қилинди.

Иқтисодий ҳамжамият Давлатлараро кенгашининг мажлисида эса, иштирокчилар ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, ҳамжамиятни ривожлантириш истиқболлари, хусусан, Марказий Осиё минтақасининг сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш борасида фикр алмашди. Мажлис нихоясида Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг 2005 йилгача бўлган муддатда интеграцияни ривожлантириш стратегияси ҳамда ҳамжамият давлатларининг 2002 йилгача бўлган муддатда ягона иқтисодий макон яратиш бўйича биринчи навбатда қилдиган

саъй-ҳаракатлари дастури ҳақидаги қарорлар, шунингдек, давлат раҳбарларининг Афғонистондаги вазиятга доир ҳамда Сарез кўли билан боғлиқ муаммоларни ечиш бўйича халқаро ҳамжамият ва халқаро ташкилотларга мувожаатномалари қабул қилинди.

Шу кун мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзи учун ажратилган қарорғида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев билан учрашди. Учрашууда томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашишти.

**ДУШАНБЕ, 15 июнь.** Бугун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди.

Тожикистон президентининг қарорғида икки давлат раҳбарларининг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳоли, минтақавий муаммолар ва бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашишти.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг музокараларида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳофазат қилинди.

Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзолади.

Ислам Каримовнинг Душанбе шаҳри зиёвлилари ва жоматчилиги вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Шу билан Ислам Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи нихоясига етди.

Анвар КАРИМОВ (УзА).



Бир-биридан гўзал баланд-баланд бинолар Тошкентимиз ҳўсинга-хўсин кўшади. Уларни бунёд этишдек маъсуллик вазифа эса қурувчилар зиммасига оқлатилган. Бугун шаҳримизнинг турли бурчакларида қад кўтарётган осмонлар бинолар қурилишида қатнашаётган уста бунёдкорларнинг сон-саногига етиш қийин. Шундайлардан бири 733-қурилиш бошқармасининг қурувчиси Элдор Қодировдир. Узоқ йиллардан бери ўз касбини эъозлаб келаётган бу инсон қатор қурилиш мажмуаларида қатнашиб, пойтахтимизнинг обод ва кўркем бўлишига ўзининг муносиб улушини кўшмоқда.

### Саноат

## ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Нон паста» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида махсулот турлари кўпайтириш, уларнинг сифатини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Корхонада замонавий технология асосида макарон, қандолат ҳамда нон-булочка махсулотлари тайёрланиб, пойтахтимиз ва республикамиз савдо шохобчаларида харидорларга сотилмоқда.

— Барча янги цехларимиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Хасан Абдушўқуров, — Италиядан келтирилган юқори унумли дастохлар билан жиҳозланган меҳнатимиз самарасини бермоқда. Харидор талабини ўрганиш

эса сифатли ва рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришнинг таъминламоқда.

Корхонада шу кунларда макарон махсулотларининг бир неча хил тури ишлаб чиқарилиши ва чиройли, беҳим қадокланмоқда. Шунингдек, яқинда Жиззахдан янги печене ишлаб чиқарилган линия олиб келиш ва корхона цехларига ўрнатиш мўлжалланган. Ана шундай махсулотларнинг тури яна бир нечтага кўнади.

Нарғиза ОТАХОНОВА.

### Анжуманлар

## «БИЗ «ПАХТАКОР» КЕЛАЖАГИМИЗ»

Жисмоний тарбия ва спортни, хусусан футболни ривожлантириш, сеvimли жамоамиз «Пахтакор»га муносиб ўринбосарлар тайёрлаш учун пойтахтимиз ҳудудидеги ҳар бир маҳаллада 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида футбол жамоалари ташкил қилиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Ўзбек футболининг шарафли ҳисобланмиш «Пахтакор»нинг аввалги шўхратини тиклаш масаласини спорт мутасаддилари олдида муҳим масала сифатида бежиз қўймаган эди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармасида ўтказилган йиғилишда юқоридаги фикрлар ўз ифодасини топди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ёшлар телеканалининг «Давр» курсатувлари тахририяти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу йиғилишда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Шўҳрат Жалилов бошқарди. Шунингдек ушбу анжуманда пойтахт туманлари «Маҳалла» хайрия жамғармаси раислари, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вакиллари иштирок этишди.

Анжуман қатнашчилари ёшлар ўртасида футболни янада оммавийлаштириш, «Пахтакор» жамоасига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш мақсадида 17 июндан 30 августгача ўсмирлар ўртасида «Биз «Пахтакор» келажакимиз» шiori остида маҳаллалараро Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси

кубоги мусобақаларини юқори савияда ўтказиш учун тайёр-гарлик жараёни қай аҳолида кетаётганлигини муҳофазат қилдилар. Жумладан, йиғилишда сўз олган шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Сўҳбат Пулатов, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев ҳамда пойтахт туманларининг «Маҳалла» хайрия жамғармалари раислари Йўлдош Ҳўжаев, Шавкат Жавлонов, Баҳодир Қосимов, Зайниддин Муҳиддинов, Ҳўслат Одилов, Ҳўзайиб Турғунлиевлар ушбу мусобақани юқори савияда ўтказиш учун янги ташкил этилган футбол жамоаларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ниятида зарур эканлигини, чунки бундан бунён ушбу футбол турнири ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиши лозимлигини таъкидладилар. Шу кунгача пойтахтимиздаги мавжуд 446 маҳалланинг 300 тасида футбол жамоалари ташкил этилганлиги яқин, бироқ бу борада бажариш зарур бўлган вазифалар кўп, деяр таъкидлашди анжуман қатнашчилари.

### ЭРТАГА

пойтахтимизнинг «Агрегат заводи» ҳиссадорлик жамияти стадионида Собир Раҳмонов тумани маҳаллалари жамоалари мусобақанинг дастлабки босқичини бошлаб беришади. Турнирнинг очилиш маросимини файзли ўтказиш мақсадида Собир Раҳмонов туман савдо департаменти мусобақа қатнашчиларига чанковбосди ичимликлар билан бепул хизмат қилишни режалаштирган. Зеро, келажакимиз бўлиши ёшлар ўртасида ана шундай турнирлар қўллаб-қувватланади, «Пахтакор» яна ўз шўхратини тиклайди.

Биз эса хайрли ушбу спорт мусобақаларининг файзли ўтишида муваффақиятлар тилаймиз.

Ақбар ЙўЛДОШЕВ.

### Футбол

Колган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Навбахор» — «Хоразм» 3:1, «Темирйўлчи» — «Турон» 1:1, «Самарқанд-Динамо» — «Дўстлик» 6:3, «Зарафшон» — «Кимёгар» 0:0, «Қизилқум» — «Сенурт» 0:0, «Нефтчи» — «Сўғдиёна» 3:1, «Андижон» — «Гулистон» 5:1, «Насавф» — «Металлург» 4:3.

Чемпионат биринчи даврасининг сўнги 19-тур учрашулари 22 июнда ўтказилди.

Анвар ЙўЛЧИЕВ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Мухтарам Президент жаноблари, Sanex WTA TOUR Аёллар теннис уюшмаси «Тошкент Оупен 2000» спортчилари ва расмий шахслари номидан мамлакатимизда бизга кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирмакчимиз. Юртингизда ҳам эркаклар, ҳам аёллар теннисида содир бўлаётган юқалишлардан хайратга тушганлигимизни таъкидламоқчимиз.

Биз Сизнинг миллат ва ёшлар соғлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган дастурлар ижросига қанчалик катта эътибор бераётганингиздан хабардоримиз ва ўзимиз ҳам Ўзбекистонда спортни тартиб қилиш ҳамда тараққиёт этириш ишига ҳисса қўшаётганимиздан бахтиёримиз. Жаҳонда теннис ривожига қўшаётган улкан ҳиссангиз учун чуқур миннатдорлигимиз рамзи сифатида Сизга эсдалик совғасини йўллашга рухсат этишингизни сўраймиз.

Камолти эҳтиром билан,  
Sanex WTA TOUR директори Клер ВУД,  
Sanex WTA TOURнинг тиббий директори Катри ОРТЕГА,  
Sanex WTA TOURнинг бош ҳақами Шандор АРВАЙ,  
Sanex WTA TOURнинг расмий шахслари, спортчилар.



## КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

шаҳримиз 6/1 ҳисобида энгил галабага эришти. Иккинчи сетинг ҳам 6/3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этган Ирода чорак финалга чиқди.

Орадан кўп ўтмай Ирода Тулаганова ўз шериги Анна Запорожанова билан жуфтликлар ўртасида турнирнинг энг кучли спортчилари — Сара Питковски ва Алина Жидкова (Россия) билан беллашиш учун қорғат тушди. Биринчи сетда Ироданинг кучли тўп ташлашларию қутилмаганда сетка ёнига чиқиб, аниқ зарба беришлариға ҳатто тажрибали рақиблар ҳам дош беришолмади ва 6/3 ҳисобида ютказиб қўйишти. Кутилганидек, иккинчи сет жуда муросасиз кенди. Биринчи геймни 1/0 ҳисобида галаба билан бошлаган Жидкова — Питковски сўнг 3/2, 4/3 ҳисобида олдинда бордилар. Шундан кейин ўйинда кескин бурилиш юз бериб Тулаганова — Запорожановлар ташаббусчи ўз қўлларига олдилар. Ҳудуд жуда чиройли яқунларда — иккинчи сетда жисоб 5/4, тейида эса 4/0, 15 бўлган пайтда, яъни матбоб ҳолатида Ирода жайда кучли тўп ташлаб «ёси» билан учрашуға нукта қўйди — 6/4. Шундай қилиб, Ирода кеча ўтказилган

ҳар иккала ўйинда ҳам ажойиб галабаларга эришти.


Колган беллашулар қуйидаги натижалар билан тугади: Татьяна Пучек (Беларус) — Екатерина Сисоева (Россия) — 6/2, 6/2, Юлия Касони (Италия) — Надежда Островская (Беларус) — Ангелика Бахман (Германия) — Карин Кшвент (Австрия) — 6/1, 6/1, Елена Бовина (Россия) — Татьяна Пучек (Беларус) — Евгения Куликовская — Екатерина Сисоева (Россия) — 6/2, 6/3.

Шуни айтиш керакки, турнир иштирокчилари ва WTA Tour вакиллари «Tashkent open» мусобақаларининг ташкилий жиҳатдан аъло даражада эканлигиндан беҳад хурсандлар.

— Турнирнинг ташкилий жиҳатлариға қойил қолмай илож йўқ, — деди жумладан матбоб конференциясида Sanex WTA Tour директори Клер Вуд. — Ва бундай муҳитда ишлаш кишига роҳат баҳш этади. Sanex WTA Tour директори сифатида мен давом этишга умид қиламан ва турнир тўғрисида факат иллик фикрлар билдиришга ишончман. Мен турнир вакиллари — тиббий директори Катри Ортега,

### БУГУН

Дилшод ИСРОИЛОВ.



СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лаважа; турнир иштирозлари.

«Tashkent open» мусобақалари қатнашчилари учун нихоята мазмунли, қизиқарли учрашуларға бой кун бўлди. Эрталаб иштирокчилари Темирйўлчи тарихи давлат музейи ва Олимпия шон-шўхрати музейлари экспонатларини мириқиб томоша қилиб буюқ ўтлашимиз тарихи ва спортинининг бугунги кундаги ютуқлари билан ақнидан танишиб, гўзал пойтахтимиз тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитишти.

Ташкент сўнг эса яқна тартибдаги спортчилар ўртасида чорак финалға, жуфтликлар ўртасида ярим финалға йўлланма учун беллашулар бошлади. Айниқса, ҳозирда турнирнинг энг кучли ракеткаси Сара Питковски (Франция, рейтинг рақами 44) ҳамда Анна Барналар ўртасидаги учрашуви қизиқарли кенди. Унда бой тажрибага эга Питковски 6/4, 6/4 ҳисобида галаба қозонди. Ирода Тулаганованинг жуфтликдаги шериги украиналик Анна Запорожанова учун ҳам омад кулиб бокди. Ушбу ёш, келажакли порлоқ спортчи венгриялик тажрибали Петра Манцулиани уч сетда 3/6, 6/3, 6/2 ҳисобида енди. Энг кескин баҳс эса Ц. Обзирер (Исроил) ва У. Пракусиа (Индонезия)лар ўртасида кенди, бунда 5/7, 6/4, 7/5 ҳисобидаги галаба турнирнинг кўп йиллик қатнашчиси Обзирерга насиб этди.

Муҳлислиримиз ажойиб спорт формасида бўлган Ирода Тулаганованинг иккинчи ўйинини ортиқча кутиништи.



ОҚШОМИДА

Курилиш

Янги уйларида нишонлашади

Шахримизнинг Хамза ҳамда Содик Азимов кўчалари чорраҳасида 5 қаватли кўрак ва замонавий турар-жой биноси қад ростламоқда...



«Тошгипрогор» мутахассислари лойиҳаси асосида қад ростлаётган ушбу уйи «Рента курилиш» фирмаси қурувчилари бунёд эттишмоқда...



Фармон ва ижро ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ
Узбекистон Республикаси Президентининг 10.11.1998 йил 2107-сонли «Узбекистон Республикаси соғлиғини сақлаш тизимини яхшироқ қилиш...

Санъаткорлар ҳаётидан АСАЛ ЭМАС — ДОРИ

Машҳур санъаткор Мулла Тўйчи Тошмухамедовнинг ўғли Абулқосим Тўйчиев санъат муҳлисларига қулги устаси сифатида таниш. Қуйида унинг репертуаридаги бир неча ҳикоялар газетхонлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Қадим замонда жуда зўр табиб бўлар экан. У кишидан қўлар шифо толгани учунми, атрофдан жуда кўплаб одамлар келиб турган экан. Бир ўғри ҳеч иши юришмагач, дом-ланинг олдига келиб, тақсир менинг ишим юришмапти, бир ўқиб қўйсангиз. Домла, жуда яхши-да, деб турса, шифо тогганлардан биттаси тўла қосада асал келтириб баҳам кўрасиз, миннатдоримиз, деб кетибди. Табиб «Мен ҳозир бир жойга зарур иш билан кетяпман, тезда қайтиб келаман. Мана бу қоса тўла захар, тагин қўлингни теккизиб оғзингга олиб борма, нақ ўлдирадия», деб кетса, ўғри ўрганиб қолган эмасми, ҳалиги нарса нима экан, деб ялаб кўрса, ширин нарса... Ие, бу жуда ширин-ку, деб, ҳуллас асалнинг ҳаммасини туширибди. Домла келиш олдиндан битта лаган билан пешонасини уриб ёриб қараса, ҳаммаёғи қонга бўянган. Ие, бу қанақа гап, нима бўлди, деса, домла бу ҳаётдан роса тўйганман, бундай юргандан ўлганим яхшироқ деб ўлдирадиган анави дорингизни ҳам ичдим, ўлмаяпман. Сиз ғирт ёлғончи экансиз, қани, яна борми шу ўлдирадиган дорингиздан, дермиш.

НОС ВА «ДЎСТ»

Маъмуржон Узоқов «Ёр истаб» деган ашуланинг саҳнада авжини «ўзиб турса, учинчи катордан худди ўша Маъмуржон ақанинг ашуласи пардасидан бир киши «дўст» дебди-ю йиқилди. Кўтар-кўтар қилиб, олиб чиқиб кетишди. Инфаркт бўлса керак, деб ўйласак, қаттиқ маст ҳамда оғзидаги нос билан «дўст» дебди. Носини ютиб юбориб, хушидан кетган экан.

ЮСУФ ҚИЗИҚНИНГ БУХОРОГА ГАСТРОЛИ

Юсуф қизик Бухорога гастролга борибди. Уша пайт рамазон ойи экан. Бухоронинг бозорини айланиб юрса, бир бухоролик киши нишонда қилиб турган эмиш. Қани шунга бир ҳазил қилиб қўрайчи, дебди-ю нишондачининг олдига бориб: «Нишонда қалай, яхши бўлганим?» деб сўрабди. — Э, меҳмон, қумоқи! — Қани, бир қўрай-чи... — деб қўлини тикиб ялабди. Сотувчи мўйсалифид хайрон бўлибди. Қал-қатта ёшли одам рўза тутмаган экан-да, деб турса, яна қўлини тикиб ялабди. Иккинчи қўли билан ҳам ялабди. «Ие», дебди-ю. Ие, дейиши биланок Юсуф қизик қўлини хатто белбегича тикибди. Қизикнинг бу қилиғини кўриб сотувчининг ҳаҳли чикиб: «Э, меҳмон нон олиб кел-е, томоғини олади нишонда», деса, «Ие, нега нон олиб келар эканман, тақсир. Хабарингиз йўқми, ахир мен рўзаман», дебди Юсуф қизик.

ДУШМАН ИЧИМИЗДА ЭКАН

Маъмуржон ака театрда ишлаб юрган даврда Охунжон акага «Ичмасанг саҳнага чиқсан», деб уч-тўрт кун саҳнага чиқармай қўйиб, уни анча қийнадилар. Бор-а, ичмасанг, деб уста беш-олти кун ичмадилар. Муваффақияти анча яхши бўлди. Бироқ, олтинчи кун саҳнага яхшигина ширақайи бўлиб чиқди. Қонцертдан кейин Маъмуржон ака: «Қани, бунинг ўртасига тушганлар! Ғанижон, Мукаррамоҳон, Абулқосим мана, қурдинларми? Сизлар бунинг ичшини ташлаворди деб мени ишонтирдилар. Қани бунинг ташлагани?» — деса, Охунжон қизик: «Ҳофиз, душман ичимизда экан. Қаранг-а, термосдаги чойимни кимдир тўкиб ташлаб, ичига яримта арок жониворни солиб қўйибди», — дебди. Тўпловчи МОХИМУР.

Таълим Яқин-яқинларгача институтимиз, қолаверса бошқа олийгоҳларнинг ҳуқуқшунослик факультети талабалари илмий адабиётлар рус тилида бўлганлиги сабабли бироз қийналиб юришарди. Бунинг устига «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» фанидан мавжуд аксарият адабиётлар рус тилида чоп этилгани боис бу муаммо ҳамон долзарблигича қолмоқда эди.

МУҲИМ ҚЎЛЛАНАМАЛАР

«Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» фани ҳуқуқий фанлар тизимида етакчи ўринларда туради. Чунки бу фан фундаментал тарихий-назарий фан ҳисобланиб, у ҳуқуқшуносларга давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги дастлабки тушунчалар ва уларнинг айрим мамлакатлар таърибасида сингалган амалиётини ўргатади. Талабаларимизнинг ана шу муаммолари мустақиллигимиз шарафати ила тадқиқотчи олимларимиз томонидан ҳал қилинмоқда. Яқинда институтимизнинг «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси қатнашувчи Хайдарали Мухамедов томонидан бу фанга доир бир неча илмий адабиётлар чоп этилиб, талабалар оқинишга қосовор бўлди. Ёш олимнинг тадқиқотлари натижасида ўзбек тилида «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи», «Ислол ва давлат назарияси муаммолари», «Узбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асослари», «Урта асрларда Франция давлати ва ҳуқуқи тарихи», «Урта асрларда Франция давлати ва ҳуқуқи», «Урта асрларда Англия давлати ва ҳуқуқи» сингари китоб ва рисолалари чоп этилди.

Қувонарди томони шундаки, ушбу рисолаларда янгича дунёқараш, ҳозирги кунда ҳуқуқшунослар учун зарур масалалар ёрқин ўзифоласини топган.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қўраётган эканми, аввало бунинг учун ёш ва соғлом баркамол, билимдон авлодини тарбия қилишимиз керак. Айнан соғлом авлодгина келажак пойдевори бўлмоғи лозим. Шундай экан, бу масъулиятни ваффа бевосита ўқитувчи-устозларимиз зиммасига муҳим вазифалар юклайди. Шунинг учун олимларимизнинг ҳам бу бордаги изланишлари ана шу мақсадларга йўналтирилмоғи лозим.

Иқромжон ТОШЕВ, Тошкент Давлат юридик институти 1-курс талабаси.

Саломатлик

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА БЎЛАЁТГАНЛАР



«В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятига қарашли Илбис Эргашев номидаги тиббиёт-санитария қисмида кўплаб меҳри дарё, билимдон шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишди. Уларнинг ҳар бири ўз соҳаларининг устаси бўлиб, қаттага ҳам, қичқика ҳам бирдай муносабатда бўлиб, ҳушмуомалаликни ўз ўрнига қўядилар.

Тиббиёт-санитария қисмида беморларнинг ўз вақтида шифо топиб, яна меҳнат қучоғига отланишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Айниқса бу ердаги физиотерапия усулидаги доволлаш, тезкор рентген, эндоскопия асбобларидан беморлар шифокорлар тавсисси асосида тўлиқ муолажа оладилар. — Жамоамизда 1219 нафар юқори малакали шифокор, ҳамшира ва санитар ходимлар ишлашади, — дейди тиббиёт-санитария қисмининг бош шифокори Хусниддин Насриддинов. — Тиббиёт масканимизни кўп тармоқли тиббий ёрдам қўраётган маскани десак янгилимаймиш. Аввало одамлар саломат бўлишини. Агар улар саломатликларидан азият чекаётган бўлсалар бизнинг масканида ҳамма шарт-шароитлар етарли. Юрак касалликлари, жаррохлик бўлими, ички ва асаб касалликлари, шикастланганлик касалликлари бўйича алоҳида стационар бўлимлари мавжуд. Стационар бўлимларида кундузги, яъни қатнаш ҳамда алоҳида пул тўлаб шифо олиш имко-

Ҳамкасбаримиз

Ўзбекистонда энциклопедик нашрлар бўйича ихтисослашган ягона муассаса — ҳозирги «Узбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти яқин-яқингача ёш ташкилот ҳисобланарди. Ундаги ижодкорлар ҳам асосан ёшлар эди.



Умрининг ўтишини қаранг, кечаги ёш йигит-қизлар бугун улғайишиб, меҳнат фахрийсига айланишди. Шулардан бири бу даргоҳда 30 йилдан зиёд фидойи меҳнат қилиб, энциклопедия тайёрлашда қатта тажриба тўплаган нашриёт Илмий-методик ва сўзлик бўлими бошлиғи «Узбекистон миллий энциклопедияси» Бош таҳрир хайъати аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муроджон Аминовдир. Ҳамкасбаримиз билан кўп ўш баҳонасида дилдан сўхбатлашдик.

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ — ДАВР КЎЗГУСИ

— Гапнинг очигини айтганда, ўзбек ўқувчиларининг кенг қатлами 70—80-йиллардан эътиборан энциклопедиядан росагина фойдаланишни ўрганишди. Чунки ҳозирги тушунчадаги энциклопедия шу даврда кўп нусхада нашр этилиб ўзбек хонадонига кириб борди. Унинг аҳамиятини олимлар юртимизда биринчи бор университет очилиши билан тенглаштирилганлиги ҳамон эсимда. Мактаб ўқувчилари ҳам, талабалар ҳам дарс тайёрлашда ёки семинар-имтиҳонларга тайёрларлик кўришда ўзбек комусини қидириб қолмадилар. Ундаги маълумотларини «сўнгги ҳақиқат» деб билардик. Бугина эмас. Бирор атамнинг қандай олинши—қандай ёзилишигача бўлган баҳсини энциклопедия орқали ҳал қилардик. Уни «ишончли манба» ҳисоблардик.

ган барча мақолалар сони нашрда бериладиган умумий мақолалар сонининг 20 фоизини ташкил этади. Муқофоту унвонлар масаласига келсак, Сиз айтган таъналарни кўп эшитганмиз. Фалончини энциклопедияга берибсизлар, лекин унвони бўлмасда хизмати жиҳатдан ундан анча юқори турадиган фалончи қозиб кетибди, дейишди. Бизда ҳақиқатан мезон деган ўлчов бор. Бусиз энциклопедияга шахсларни танлаб бўлмайди, акс ҳолда жанжалнинг тағдида қозиб кетилади. Шунинг учун янги энциклопедияда ҳам мезон белгиланди. Лекин бу илгарисидан анча фарқ қилади. Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳақида, албатта, мақолалар бўлади. Олимлардан — академиклар, фан арбоблари, санъаткорлардан — Ўзбекистон халқ артистлари, санъат арбоблари; ёзувчилардан — Ўзбекистон халқ ёзувчилари, шоирлари ва ҳоказо. Энди мезонга тўғри келмаган шахслар масаласига келсак, УЭМЭ қошида ҳар бир соҳа бўйича илмий маҳлақат кенгашларимиз бор, улар ўз соҳаларидан шундай шахслар рўйхатини тўзатилади. Бу рўйхат Бош таҳрир хайъати йиғилишида кўриб чиқилади ва йиғилиш баённомаси асосида ҳар бир жилда киритиб борилади.

— Энциклопедия ҳам оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Лекин ундаги ахборотлар бир қунлик ёки бир ойлик эмас, анча узок йилларга мулжалланган бўлади. Энциклопедиялар умри, таъбир жоиз бўлса, 20-30 йил атрофидадир — шу давр мобайлида уларни сақлаб, фойдаланиб келиш мумкин. Ундан кейин маълум даражада эскириб, энциклопедия шундай кўриниб қолади. Шу сабабли ҳам ривожланган мамлакатларда ҳам 20-30 йил мобайлида улар тўлдирилиб, тўзатилиб қайта нашр этилади. Энциклопедия ҳам муайян мафқурага хизмат қилади. У ўз даврининг кўзгуси ҳисобланади. Шўрлар тузуми даврида «биринчи бор яратилган «УЭСЭ» («Узбек совет энциклопедияси») ўзи ном билан совет тузуми коммунистик мафқура маҳсули бўлган эди.

— Энциклопедияга киритилмаган шахслар ҳақида гап кетар экан, бунда у ёки бу шахснинг бир жойда кўп ва ҳалол меҳнат қилганлиги ҳисобга олинмай кўпроқ мамлақат аҳамиятидаги ижодий-илмий, сиёсий фаолият назарда тутилганлигини, бу жиҳатдан у ҳурмат тахтаси эамалигини алоҳида уқтиришни истардим. Яна бир масалани таъкидлаб ўтиш жоиздир. Энциклопедияда фақат ижобий шахслар ҳақида эмас, салбий шахслар ҳақида ҳам мақолалар берилди. Бунда фақат уларга тегишли баҳо бериб ўтилади. Шундай экан, Ўзбекистон тарихида салбий из қолдирган айрим «арбоб»лар ҳақида мақола учраса хайрон бўлмаслик керак.

— Ҳар бир жилдими Москвада «чаконлар» томонидан рус тилига ўғрилиб, тегишли жойларда синчиқлаб кўриб чиқиларди. 30-50 арақли тақрирлар олардик. Москва айниқса динга доир мақолалардан кўп чўчирди, исломни ташвиқ этаёйсизлар деган таъки лаянати юклагани юклаган эди. Шунинг учун ҳам ислом тушунчаларига оид мақолаларни атеистик жумлалар билан «сува»шга мажбур бўлардик.

— Хамон энциклопедиянинг ўзига хос томонлари ҳақида гап кетди, айтгинчи, сўхбатимиз бошида тилга олинган энциклопедия «сўнгги ҳақиқат», «сўнгги манба» бўлишига ва сиз айтиб ўтган камиди 20 йил хизмат қилишиги учун у ерда ишлайдиган захматқам муҳаррирлар олдига қандай талаблар қўйилган, умуман у қандай шийорга амал қилайсиз?

— Президентимиз Ислол Каримовнинг ташаббуси билан маънавиятга алоҳида эътибор берилётганлиги ҳаммамнинг кўз ўнгиде яққол кўриниб турибди. «Илмий энциклопедия» нашрига кўл урлиши ана шундай гамхўрликнинг бир киррасидир.

— УЭМЭ биринчи жилдини ўқувчилар сабрсизлик билан кутмоқдалар. Уни қачон қўлга олишлари мумкин? — Ҳар бир катта ишнинг бошланиши қийин кечилиб табиий. УЭМЭ 1 жилдининг мақолаларини умумий йўналишини белгилаб олиш анча изланишни талаб этди. Бу борада қатта салоҳиёт, куч, бетиним ва чуқур изланиш талаб қилинади. Ушбу йилдаги мақолалар бир неча бор муҳокама этилди. Барча мулоҳазалар инобатга олинб тўзатилиб бўлибди. Тез кунда у матбада босилиб чиқади.

— Жуда тўғри айтдингиз, собиқ Иттифоддан ажралиб чиққан мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб бизнинг мамлакатда «Илмий энциклопедия» яратишга киришилди. Бу иш қачонларидир бошланганига биз ҳисобласангиз, у юқорида айтиб ўтганимиздек, ёшнинг яшаб бўлди, маънавий эскирибди. Унга ўша даврининг бир манбаси сиқратда қараш мумкин, холос, уни қайта нашр этиш вақти келган эди. Республикаимизнинг Мустақилликка эришиши уни бутунлай бошқадан тайёрлашни тақозо этади.

— УЭМЭда шаклланди кимлар берилади? Унда яна муқофоту унвонлар асос қилиб олинарми? Эски энциклопедиянинг варақласангиз, юзтадан биттаси махаллий шахс десак янгилимаймиш...

— Барча универсал энциклопедияларда бўлгани каби УЭМЭда ҳам ҳамма замонлар ва халқларга мансуб машҳур арбоблар, илм-фаннинг турли соҳаларига тегишли шахслар, техника, адабиёт ва санъат намояндлари, таниқли сиёбат ва давлат арбоблари, Ватан озодлиги учун кураш олиб борганлар ҳақида мақолалар берилди. Асосий диққат Ўзбекистонда фаолият кўрсатган арбобларга қаратилди. Шахсларга бағишлан-

бўлиш вақтигача бўладиган муҳлатдаги муолажалар тўлиқ ташкил этилган. Беморларга ўз касалликларига ҳақида тўлиқ маълумот олишлари учун шифокор назоратига тавсия этилади. Бу борада бизларга Тоҳир Қаюмов, Юлдуз Расулзода, Кузундов сингари профессорлар яқиндан ёрдам беришмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган дарсроҳлар Моҳир Аҳмедов, Даврон Содиков, ички касалликлар шифокори Мухаббат Абдуллаева, туғруқ комплекси бўлими бошлиғи Гули Аҳмедовлар айна кунларда сермашаққат, аммо шарафли бўлган вазифаларини амалга ошириш ҳамда ўзларининг касб байрамларини нишонлаш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

— Сўхбатдош: Соат МУСАЕВ. СУРАТДА: Муроджон Аминов.

Гулзода АБДУЛЛА қизи. СУРАТЛАРДА: тиббиёт-санитария қисмидан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



«В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятига қарашли Илбис Эргашев номидаги тиббиёт-санитария қисмида кўплаб меҳри дарё, билимдон шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилишди. Уларнинг ҳар бири ўз соҳаларининг устаси бўлиб, қаттага ҳам, қичқика ҳам бирдай муносабатда бўлиб, ҳушмуомалаликни ўз ўрнига қўядилар.



ОНАЛАР СУЯНЧИ, НЮТ ТАЯНЧЛАРИ

«Игит омон бўлса, хавфу хатар йўк...» Ха чиндан-да шундай. Кечагина кўча чангитиб юрган болажонларимиз бугун эгнига хушбичим форма ярашган аскар...

Яқинда Тошкент шаҳрида Бухоро вилоятидаги ҳарбий бўлимада йигитлик бурчини ўтаётган фарзандлари билан даврада рақсга тушдилар...

ЯХШИЛАР НОМИ БАРҶАЁТ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзгалар манфаатини ўз манфаати деб қабул қилдилар...

Бундай инсонлар ҳаётдан кўз юганидан кейин ҳам уларнинг хотираси инсонлар қалбига авлоддан-авлодга ўтиб яшайверади...

1900 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган, бутун умр халқ хизматига қамарбаста бўлган Жўра ота...

Жўра ота серфарзанд инсон эдилар. У киши 15 фарзанднинг отаси, 73 набири, 200 эвара, 135 чеваранинг суюкли бобоси бўлган...

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Ватан озодлиги ва мустақиллиги ҳамда фаровонлиги учун жонини фидо этган...

Жўра ота Тошкент шаҳрида туғилган бўлишига қарамай, унинг хотирасини абадийлаштириш борасида улкан ишлар қилинмоқда...

Жўра ота билан тенгдош бўлган XX аср охирида бораётган Утган ўн йил ичидан унинг она шаҳри — Тошкентнинг қиёсати таниб бўлмақ...

Жўра ота Тошкент хотираси ҳамisha барҳаёт. Унинг номи ва иши миннатдор авлодлар учун Ватанга садоқатини ақойиб намунаси бўлиб хизмат қилаверади...

Утган МУРОДОВ, Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти талабаси.

рурлар деди. Бул дамда бир улуг ҳинду ўлди. Ани куйдирмак тарадуида бўлдилар. Хотам ҳам тамошо деб борди...


Донишмандлар хазинасидан ҲОТАМНИНГ УЧИНЧИ САФАРИ

парини озгига солиб, ниғини Шоҳ Ҳўржунни қўлига олиб ул ўтин ичра кириб ўлтурди. Ул жамоат бисёр манъ айладилар, қабул қилмади...

бўлди, нигоҳонлардин ўтиб, Хотам ваъдасига етолмади. То уч кун, уч кеча ўтди, тўртинчи кечаси посбонлар йўқ бўлдилар...

балои бўлса керак деб, бир баяндан дарахт устига ўзини олди. Ҳар тарафа назора айлади: Бир жонивор келадур, ани сурати хайбатликдур...

Бўш вақтингизда Бошқотирма



Рақамли хонадан соат мили бўйича: 1 Олис манзилга ҳабар ўтказиш воситаси. 2 Самарқанднинг Регистон майдонидида мейморлик обидаси, мадраса...

Муаммонома Аввало куйида таърифланган рақамларда ифодаланган сўзларни топиб оқинчи ҳал этинг.

Газетанинг 9 июнь сонидида чиққан бошқотирманинг жавоблари: Ёшлар бўйича: 1. Қорақум, 2. Хонадон, 3. Саванна, 4. Ҳаракат...

Муаммонома Оқшар сўзлар: 1. «Элим», 2. Барг, 3. Адиб, 4. Тўн. Ҳўнат: Илмдаги мартаба мартабаларнинг энг баланди бўлади.

(Давоми. Боши газетанинг 35,38,44,47,50,53,59-сонларида) Дастурхон солиб таомлар кўйди, яна бир лағанди бир таоми олиб кирди. Дедиким эй меҳмони азиз...

17 июнь — шанба (Ойнинг 15/16 кунин). Ой сайрасининг шу кеча-кундузги таъсири одамларга хеч қандай беҳаловатлик келтирмайди...

Шанбадан шанбагача: муажжам тавсиялари ҲАФТАНИНГ ХАЙРИИ КЕЛСИН

тиқ кудрати табиатга гоят монанд келади. Уйқудан уйғонишигиз билан шунга мек қайфиятни танабл...

19 июнь — душанба (Ойнинг 17-кунин). Осийишта кунлар шу кеча-кундузда ҳам давоқотлади. Шу кунги тивилк, осийишаники зинкор буза кўрманг...

20 июнь — сешанба (Ойнинг 17/18 кунин). Атроф-муҳит сизнинг чинакам моҳиятинингизни ошқор этади. Шу кеча-кундузги Ой сайрасининг таъсири...

21 июнь — чоршанба (Ойнинг 18/19 кунин). Бу кундаги Ой сайрасининг таъсири кудрати мураккаб бўлади. Кўнглингиз хотиржамлиги ва боқиллигинингизни асранг...

22 июнь — пайшанба (Ойнинг 19/20 кунин). Маънавий қамолот учун гоят қулай кун. Мўҳим қарорларни, айниса, андан берн журьат қилолмай юрган ишларингиз бўйича қарорларни қабул қилиш учун бу кун жуда қулай ҳисобланади...



Бахтли болалик.

та кечқитириб турганингиз маъқул. Айниса, кекса кишиларда бот касалиги хурж қилиши мумкин.

21 июнь — чоршанба (Ойнинг 18/19 кунин). Бу кундаги Ой сайрасининг таъсири кудрати мураккаб бўлади. Кўнглингиз хотиржамлиги ва боқиллигинингизни асранг...

22 июнь — пайшанба (Ойнинг 19/20 кунин). Маънавий қамолот учун гоят қулай кун. Мўҳим қарорларни, айниса, андан берн журьат қилолмай юрган ишларингиз бўйича қарорларни қабул қилиш учун бу кун жуда қулай ҳисобланади...

23 июнь — жума (Ойнинг 20/21 кунин). Бу кун инсоннинг маънавий қамолот топиши учун қулай ҳисобланади. Маънавиятга оид китобларни ўқиб, янги маънавий билимлар олиш фойдали. Кўнглингиздан барча шовшинлик иқричқир фикрларни чиқариб ташлаш...

24 июнь — шанба (Ойнинг 21/22 кунин). Бу кун инсоннинг маънавий қамолот топиши учун қулай ҳисобланади. Маънавиятга оид китобларни ўқиб, янги маънавий билимлар олиш фойдали. Кўнглингиздан барча шовшинлик иқричқир фикрларни чиқариб ташлаш...

25 июнь — яшанба (Ойнинг 22/23 кунин). Бу кун инсоннинг маънавий қамолот топиши учун қулай ҳисобланади. Маънавиятга оид китобларни ўқиб, янги маънавий билимлар олиш фойдали. Кўнглингиздан барча шовшинлик иқричқир фикрларни чиқариб ташлаш...

26 июнь — шанба (Ойнинг 23/24 кунин). Бу кун инсоннинг маънавий қамолот топиши учун қулай ҳисобланади. Маънавиятга оид китобларни ўқиб, янги маънавий билимлар олиш фойдали. Кўнглингиздан барча шовшинлик иқричқир фикрларни чиқариб ташлаш...

27 июнь — яшанба (Ойнинг 24/25 кунин). Бу кун инсоннинг маънавий қамолот топиши учун қулай ҳисобланади. Маънавиятга оид китобларни ўқиб, янги маънавий билимлар олиш фойдали. Кўнглингиздан барча шовшинлик иқричқир фикрларни чиқариб ташлаш...

28 июнь — шанба (Ойнинг 25/26 кунин). Бу кун инсоннинг маънавий қамолот топиши учун қулай ҳисобланади. Маънавиятга оид китобларни ўқиб, янги маънавий билимлар олиш фойдали. Кўнглингиздан барча шовшинлик иқричқир фикрларни чиқариб ташлаш...

29 июнь — яшанба (Ойнинг 26/27 кунин). Бу кун инсоннинг маънавий қамолот топиши учун қулай ҳисобланади. Маънавиятга оид китобларни ўқиб, янги маънавий билимлар олиш фойдали. Кўнглингиздан барча шовшинлик иқричқир фикрларни чиқариб ташлаш...

Муаммонома Оқшар сўзлар: 1. «Элим», 2. Барг, 3. Адиб, 4. Тўн. Ҳўнат: Илмдаги мартаба мартабаларнинг энг баланди бўлади.

Таблиц Узебекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим тизимини ислоҳ қилиб академик лицейлар ва коллежлар кураши тўғрисидаги қарори юртингизда давр, янгилаштириш талабларига жавоб берувчи мутахассисларнинг етишиб чиқишида муҳим омил бўлмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

билан ҳамкорлик алоқаси ўрнатилиб, хорижийларнинг касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси бўйича ўрта юрти коллеж мактабини олган ҳолда бугунги кунда жуда зарур бўлган менежмент ва менежерлик бўйича кичик ва ўрта корхоналар молия ҳамда тижорат фалсинини бошқариш ихтисоси бўйича дастлабки ўқувчилар қабул қилинган эди...

Шунингдек, Кўйлик маънавий хизмат касб-хунар коллежиди ҳам бу борада самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундан бир йил муқаддам Германия техника маркази

Дилшод ИСРОИЛОВ

